

Кечиришни хоҳлаган бандаларингдан қилгин!



08:07 / 01.02.2020 2443

Муҳаммад ибн Сирин раҳматуллоҳи алайҳдан ривоят қилинади: «Муовия розияллоҳу анҳу қаттиқ касал бўлиб қолдилар. Ётар жойларидан тушиб, ерни хас-чўплардан тозаладилар. Кейин саждага бош қўйиб йиғладилар ва шундай дуо қилдилар: «Аллоҳим, Китобингда **«Аллоҳ Ўзига ширк келтиришни кечирмайди, аммо шундан бошқаси учун Ўзи хоҳлаганларни кечиради»** (Нисо сураси, 48-оят) дегансан. Мени кечиришни хоҳлаган бандаларингдан қилгин».

«Солиҳлар гулшани» китобидан